

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧОРА ТАДБИРЛАР, МУАММОЛАР ВА ТАКЛИФЛАР (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА)

Аликулов Ғолиб Нартошевич

Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти доценти

asilbek2022@rambler.ru

Нортошов Асилбек Ғолиб ўғли

"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти"

Миллий тадқиқот университети талабаси

asilbekn512@gmail.com

***Аннотация:** Мақолада суғориладиган ерлардан фойдаланиш бўйича амалга оширилган чора тадбирлар, муаммолар ва таклифлар атрофлича таҳлил қилинган.*

***Калим сўзлар:** ер сайёраси, мониторинг, суғориладиган, самарадорлик, экин ерлар, сув, ёмғирлатиб, томчилатиб суғориш, канал.*

***Аннотация:** В статье подробно изложен разносторонний анализ мероприятий, проблем и предложений, реализуемые по использованию орошаемых земель.*

***Ключевые слова:** планета Земля, мониторинг, орошение, эффективность, пахотные земли, вода, спринклерная система, капельное орошение, канал.*

***Abstract:** The article details a comprehensive analysis of activities, problems and proposals implemented for the use of irrigated lands.*

***Key words:** planet Earth, monitoring, irrigation, efficiency, arable land, water, sprinkler system, drip irrigation, channel.*

Кириш.

Бутун дунё олимлари ер сайёрасида бўладиган ўзгаришларни мониторинг қилиб, биргина "ташхис" қўйишди. Бу дунё бўйича глобал исиш жараёни тезлашмоқда ва унинг сабаби шубҳасиз — антропоген омилдир (1).

Шаҳарларни кенгайтиши, мураккаб урбанизация жараёнининг кундан-кунга ошиши, саноат корхоналаридан чиқадиган ташламалар миқдорикни ошиши ва

бошқа омиллар натижасида ўртача ҳароратнинг 1,5 ° С атрофида ўсишига олиб келади(1).

Мазкур глобал муаммолар Ўзбекистонда, айниқса қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва деҳқончилик соҳасида Республиканинг асосий бўғини ҳисобланган **Қашқадарё**да ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Мавжуд суғориладиган ерлардан интенсив фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади

2. Тадқиқот ўтказиш услубияти.

Тадқиқотларни бажаришда ер ҳисобини юритиш, мониторинг қилиш, топографик-геодезик дала ўлчаш ишлари, масофадан зондлаш, геовизуаллаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҷриба таҳлил натижалари Республикаимизнинг жанубий минтақасида жойлашган Қашқадарё вилоятининг суғориладиган ерларда 2017-2023 йиллар давомида олиб борилган.

3. Натижалар ва мунозаралар.

Қашқадарё вилояти Республиканинг жанубида жойлашган бўлиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра экин ерлар 671123 га, шу жумладан суғориладиган ер 415727 га, кўп йиллик дарахтзорлар 38204 га, бўз ерлар 20579 га, яйловлар 1214140 га, жами қишлоқ хўжалик ер майдонлари эса 1944046 га ни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал.


Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги ер турлари 2019-2022 йиллар кесимида, минг га

№	Ер турлари	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
1	Қишлоқ хўжалик ер турлари	21442	2143,3	2143,3	2142,9
	шу жумладан суғориладиган	459,2	458,7	458,7	458,7
2	Экин ерлар	676,1	675,7	675,7	675,7
	шу жумладан суғориладиган	417,6	417,3	417,3	417,3
3	Кўп йиллик дарахтзорлар	39,1	38,9	38,9	38,9
	шу жумладан суғориладиган	36,9	36,7	36,7	36,7
4	Бўз ерлар	21,9	21,9	21,9	21,9
	шу жумладан суғориладиган	4,6	4,6	4,6	4,6
5	Пичанзор ва яйловлар	1407,1	1406,8	1406,8	1406,6
	шу жумладан суғориладиган	0,1	0,1	0,1	0,1

**Изоҳ: Ўзбекистон Республикасининг Ер фонди. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлар палатаси, 2019-2022 й.й.*

Қашқадарё вилоятининг 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра ер турлари бўйича куйидаги маълумотлар аниқланди: жами фойдаланишдаги ерлар 2856799,0 га ни ташкил этади, шундан жами суғориладиган ерлар 513471,0 га. Жами ҳайдаладиган экин ерлар 675702,0 га, шу жумладан суғориладиган экин ерлар 417283,0 га, пичанзор ва яйлов ерлар 1406764,0 га. Кўп йиллик дарахтзорлар жами 38923,0 га, шундан боғлар 20200,0 га, узумзорлар 9900,0 га, тутзорлар 8600,0 га, кўчатзорлар 223,0 га ни ташкил қилади. Юқорида келтирилган 1-жадвалдан маълум бўлдики, йиллар кесмида ер турлари таркиби сезиларли даражада ўзгармаган. Мавжуд суғориладиган ер майдонларга йилига ўртача **5,4 млрд** куб метр сув истеъмол қилади, шундан **5,1 млрд** куб метри ёки **94 фоизи** қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сарфланган.

Мавжуд сув ресурслардан фойдаланиш ҳолатини йиллар кесмида таҳлил қилинганда 2017 йилга нисбатан 2023 йили 25 % га камайиш ҳоати кузатилмоқда (1-расм).



1-расм. Вилоятда ишлатилаётган сув манбалари миқдори.

Ер юзасида кузатилаётган қурғоқчиликнинг салбий оқибатларини биргина Қашқадарё вилояти мисолида кўрадиган бўлсак йилдан йилга фойдаланаётган сув миқдори камаётганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу муаммо Республика миқёсида эмас, балки Марказий Осиё давлатлари олдига турган долзар масалалардан ҳисобланади. Ушбу масалани ечиш мақсадида вилоят бўйича бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. **2017-2022 йилларда 56,3 минг гектар** майдонда амалга оширилган ёмғирлатиб, томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилди.

Сувга бўлган эҳтиёж йилдан йилга ошиб борар экан, сув тежовчи технологияларни жорий қилишни даврни ўзи талаб қилмоқда. Бу борада республика бўйича сув тежовчи технологияларни маҳаллийлаштириш даражаси

80 фоизга етказилди Марказий Осиёда давлатлари ўртасида биринчи, МДХ давлатлари орасида иккинчи, Осиёда тўртинчи ва дунёда 13-ўринни эгаллайди (4).

Бу борада Қашқадарё вилоятдаги мавжуд **417 минг гектар** суғориладиган майдонларга нисбатан жами **173,1 минг гектар** (42%) сув тежовчи технология жорий этилди.


Жумладан, **61,5 минг гектар** томчилатиб суғориш (15%), **2,3 минг гектар** ёмғирлатиб суғориш (0,5%), **0,6 минг гектар** дискрет суғориш (0,1%), **36,0 минг гектар** лазерли текислаш (9%), **72,7 минг гектар** бошқа сув тежовчи технологиялар жорий этилди (2-расм).



Томчилатиб суғориш



Ёмғирлатиб суғориш



Дискрет суғориш

2-расм. Жорий этилган суғориш турлари

Европа иттифоқининг грант маблағлари ҳисобидан Касби туманидаги (13 км) “Миришкор” ва “Қамаши” каналларидаги **26 га** сув олиш нуқтасини бошқарув жараёнлари Австралиянинг “Rubicon water” компаниясининг автоматлаштирилган тизимига ўтказилди ва тизим серверлари билан интеграция қилиниб, сув ресурслари масофавий бошқарилмоқда. Натижада мазкур суғориш тизими орқали **5 минг гектар** (1,2%) суғорилмоқда.

Тажриба таҳлил натижаларига асосланадиган бўлсак, биргина аҳолининг ўсиши ҳисобига Ўзбекистонда 2030 йилга бориб сувга бўлган талаб 7 млрд метр кубни ташкил этиши, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич икки баробарга ортиши — 14 млрд метр кубга етиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда сув йўқотиши юқори бўлган туманлардаги (Косон, Ғузор, Қарши, Миришкор, Касби, Чироқчи, Яккабоғ, Китоб, Кўкдала) магистрал, хўжаликлараро каналларни таъмирлаш (бетонлаштириш), магистрал каналларини лойқа ва чўкиндилардан тозалаш ва тасдиқланган йўл хартитаси асосида суғориш тизимини модернизация қилиш натижаисда 200 млн.м³ - 250 млн.м³ сув иқтисод қилиниши, 43,3 минг.га - 44 минг.га майдонни сув таъминоти яхшиланиши кузда тутилган.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

- 1) Мадиева Р. Глобал исиш жадал давом этмоқда ва унинг сабаби шубҳасиз — инсон.//Янги Ўзбекистон, 2021 йил 10 август
- 2) Aliqulov, G. N. , Aralov, M. M., Nortoshov, A. G., (2023). QISHLOQ XO‘JALIGI XARITALARINI YANGILASHDA MASOFADAN ZONDLASH MATERIALLARIDAN FOYDALANISH. RESEARCH AND EDUCATION, 2(3), 49–56. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/re/article/view/2669>
- 3) M.M Aralov, T.Y Bobonazarov. Dehqon xo‘jaliklarini kadastr ma’lumotlari bazasini takomillashtirish - CONFERENCE ON LEARNING , 2022 - researchedu.org
- 4) <https://kun.uz/news/2023/09/15/ozbekiston-suv-tejovchi-texnologiyalarni-joriy-qilish-boyicha-osiyoda-tortinchi-orinda-bormoqda>